Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти
КУТУБХОНАСИ

2007 ЙИЛ, 25 ОКТЯБРЬ, ПАЙШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 206 (11.015)

Баҳоси эркин нархда

## XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Сирдарё вилояти фаоллари йиғилишида Республика Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 12 февралдаги мажлисида Президентимиз Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари юзасидан жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида амалга оширилган ишлар атрофлича муҳокама қилинди.

● Тошкентдаги Халқаро бизнес марказида болалар неврологиясининг долзарб муаммоларига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиздаги олимлар, шифокорлар, ёш тадқиқотчилар билан бир қаторда Россия, Украина ва Қозоғистондан ҳам мутахассислар иштирок этди.

● Давлат солиқ қўмитаси ҳайъатининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

● Тошкентда «Мода ва текстиль — 2007» номли IV халқаро кўргазма давом этмоқда. Унда жаҳоннинг 12 та мамлакатидан 30 га яқин етакчи компания ва фирмалар иштирок этмоқда. Айтиш керакки, қатнашчиларнинг 80 фоиздан ортиғи ўз маҳсулотларини Ўзбекистон бозорида илк бор намойиш этмоқда.

● Навоий вилояти ҳокимлиги, «Камолот» ЁИҲ ва Ипотека банкининг ҳудудий бўлими ҳамкорлигида давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижроси йўлида 42 оилага мўлжалланган кўп қаватли бино қурилиши бошлаб юборилди.

● Наманган вилоятига «Саломатлик-2» дастури лойиҳаси асосида тиббий ускуна ва жиҳозларнинг янги туркуми келтирилди. Болалар ва катталар учун сунъий нафас олдириш аппарати, акушер-гинекологик столлар, микроскоп ва таҳлилхона мебеллари каби воситалар вилоятдаги 190 та қишлоқ шифокорлик пунктларига тарқатилди.

● Косон туманининг Пўлати қишлоғида ахборот-технологик касб-ҳунар коллежи биноси фойдаланишга топширилди. Бу ерда бухгалтерия ҳисоби, информатика ва коммуникацион тизимлар, электр станциялари каби 12 та йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланади.

### ЖАҲОНДА

● Қирғизистон Президенти Қурманбек Бакиев 21 октябрь куни республикада ўтказилган умумхалқ референдумида қабул қилинган мамлакатнинг янги Конституциясини имзолади. Расмий маълумотларга қараганда, янги Конституция учун референдум иштирокчиларининг 76 фоизи овоз берган. Янги вариантда Президент ваколатлари кенгайтирилган, шунингдек, эндиликда депутатлар парламентга бир мандатли округлар бўйича эмас, балки партиявий рўйхат асосида сайланадилар.

● Кеча Туркия армияси курд айирмачиларига қарши ҳарбий амалиётларни бошлаб юборди. Мамлакат махсус қўшинлари Ироқ чегарасидан ўтиб мамлакатнинг ичкарисига 40 километр масофада кириб бориб, жангариларни таъқиб қилишни бошлади. Турк қўшинларини бомбардимончи самолётлар ва жанговар вертолётлар қўллаб-қувватлаб турибди.

● БМТ Бош котиби Пан Ги Мун Антарктида қитъасига борган дастлабки ташкилот раҳбари бўлади. У мазкур минтақага ер куррасининг глобал тарзда исиши муаммосига жаҳон ҳамжамияти эътиборини қаратиш мақсадида бормоқда.

● Колумбияда ўтказилиши режалаштирилган муниципал сайловлар арафасида икки номзод ўлдирилди. Маълумотларга кўра, мамлакат жанубида минтақавий қонунчилик органи аъзолигига даъвогар Лилиана Дуверрохас кўчада отиб кетилган. Бундан ташқари мэр бўлишга ўз номзодини қўйган Грантиниано Мурсиа ҳам террорчилар қурбонига айланган.

● АҚШ Давлат департаменти Ироқ миллий полицияси ходимларини ўқитиш учун «DynCorp» компаниясига ажратилган 1,2 миллиард доллар маблағнинг қаерга сарфланганини текширмоқда. Гап шундаки, ушбу компания ҳақиқатдан ҳам ироқлик хавфсизлик ходимларини тайёрлаган ва бунга керак бўладиган барча жиҳозларни олиб келган. Бироқ, компания фаолиятида пала-партишликка йўл қўйилган.

● АҚШнинг Калифорния штатида беш кундан буён давом этаётган кучли ёнғинлар миллий офат даражасига етди. Олов домида беш киши ҳаётдан кўз юмди, 50 киши ярадор бўлди, 1 миллиондан ортиқ аҳоли хавфсиз жойларга кўчирилди. Ёнғин оқибатида 120 минг гектар ўрмон ёниб кетди, 2 мингдан ортиқ уйлар кул бўлди. Ҳозирда ёнғинни бартараф этиш ишига 10 мингдан ортиқ ўт ўчирувчилар ҳамда миллий гвардия аскарлари жалб этилган.

● Кеча Хитойнинг Сичань космодромидан ушбу мамлакатнинг Ойга биринчи сунъий йўлдоши муваффақиятли учирилди. Режага кўра космик кема 5 ноябрда манзилга етиб бориб, бир йил давомида Ой сайёрасида турли тадқиқот ишларини амалга оширади.

● Кеча Россиянинг Самара шаҳрида беш қаватли турар жойнинг портлаши оқибатида уч киши жабрланди. Уларнинг икки нафари оғир аҳволда. Гап шундаки, уйнинг биринчи қаватида маиший газнинг портлаши натижасида 9 та хонадон буткул вайрон бўлган.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

*Ҳурматли сержант ва офицерлар, ички ишлар идоралари ходимлари ва фахрийлари!*

*Бугун милиция ходимлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари хизматчилари, умуман, бутун мамлакатимиз учун муҳим аҳамиятга эга бўлган кун – бизнинг тарихимизда илк бор Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларининг касб байрами нишонланмоқда.*

*Шу муносабат билан ўзини фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини, жамоат тартиби ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши кураш каби олижаноб ишга бахш этиб келаётган барча ватандошларимни ана шу байрам билан чин қалбимдан муборакбод этишга ижозат бергайсиз.*

*Ўзбекистон ўз мустақиллиги ва суверенитетини қўлга киритган дастлабки кунлардан бошлаб жамиятимизда барқарорликни таъминлаш, фуқароларимизнинг тинчлиги ва осойишталигини асраш ҳал қилувчи вазифалардан бирига айланди.*

*Ана шундай юксак мақсад-муддаоларга эришиш учун истиқлол йилларида юртимизда қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашнинг муҳим бўғини бўлган ички ишлар идоралари тизимини чуқур ислоҳ қилиш бўйича кенг кўламли, мазмун-моҳиятига кўра улкан ишлар амалга оширилди.*

*Ички ишлар идораларининг юқоридан қуйигача бўлган барча тузилмалари амалда сифат жиҳатидан бутунлай янгича асосда шакллантирилди, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашнинг замонавий усул ва воситаларидан фойдаланган ҳолда, жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизимини қарор топтириш бўйича устувор йўналишлар белгилаб олинди. Бундай ўзгариш ва ислоҳотлар биринчи галда уюшган жиноятчилик, терроризм ва наркотрафикка қарши курашни кучайтиришга, тезкор-қидирув хизматлари ва тергов бўлинмаларини мустаҳкамлаш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, пост-патруль хизмати фаолиятини такомиллаштириш ва профилактика хизмати ролини ошириш, шунингдек, республикада ёнғин хавфсизлиги тизимини қайта кўриб чиқишга қаратилганини таъкидлаш зарур.*

*Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бу вазифаларни амалга ошириш ички ишлар идораларининг қиёфаси ҳамда улар фаолиятининг маъно-моҳиятини принципиал жиҳатдан ўзгартиришга хизмат қилди.*

*Милиция участка инспекторлари бўлинмалари негизида профилактика инспекторлари институти ва ҳар бир маҳаллада таянч пунктлари ташкил этилгани ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноят содир этишга олиб келадиган сабаб ва ҳолатларни аниқлаш ва бартараф этиш борасидаги ишларни тубдан қайта кўриб чиқиш ва кучайтириш имконини берди, мамлакатимизда жиноий вазиятни сезиларли даражада соғломлаштиришни таъминлади.*

*Фуқароларнинг яшаш жойларида, деярли ҳар бир маҳаллада "Маҳалла посбонлари" каби ноёб жамоат тузилмаси ташкил этилгани профилактика ишларини йўлга қўйиш ва олиб бориш ҳамда жамоат тартибини сақлашда алоҳида аҳамият касб этмоқда.*

*Шу билан бирга, самарали тезкор-қидирув фаолият тизими яратилди. Тергов идораларини қайта ташкил этиш, яхши таъминланган, замонавий моддий-техник ва криминалистик базага эга бўлган тергов аппаратларини шакллантириш ҳисобидан жиноятларни очиш ва жиноятга жазо муқаррарлиги тамойилининг ижроси таъминланмоқда.*

*Кейинги йилларда янгитдан ташкил қилинган милиция бўлинмаларининг республикамиздаги бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари билан хизмат ва жанговар топшириқларни бажариш бўйича ҳамкорлиги сезиларли даражада яхшиланди.*

*Айни пайтда милиция ходимларининг аҳоли ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари билан яқин ҳамкорлиги янада мустаҳкамланди, уларнинг сафарбарлиги ва содир этилаётган жиноятларга қарши тезкор кураш олиб бориш имкониятлари ошиб бормоқда.*

*Бугунги кунда ички ишлар идораларининг фаолияти самарадорлигини ошириш ва уларни мустаҳкамлаш борасида юксак малакали, профессионал кадрлар тайёрлаш масаласи муҳим аҳамият касб этади.*

*Сўнгги йилларда Ички ишлар вазирлигининг олий таълим муассасалари – Ички ишлар академияси, Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти, Ёнғин хавфсизлиги олий техника мактаби фаолияти тубдан қайта ташкил этилди. Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курслари ташкил қилинди ва самарали фаолият кўрсата бошлади.*

*Ўтган йиллар давомида ички ишлар идораларининг маҳаллий ҳокимият, "Маҳалла" ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоатчилик билан алоқаларини бутунлай қайта кўриб чиқиш, ислоҳ қилиш ва кучайтириш бўйича амалга оширилган ишлар мамлакатимиз фуқароларининг милицияга бўлган ишончини мустаҳкамлаш учун зарур шарт-шароитларни яратди. Бу эса, ҳеч шубҳасиз, ўз навбатида ички ишлар идораларимизга куч-қудрат бағишлаб, уларнинг ишончли фаолият юритишини таъминламоқда.*

*Бугунги кунда ички ишлар идоралари сафларида Ватанимиз манфаатларига садоқатли, муносиб ўғил-қизларимиз халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини асраш йўлида мураккаб вазифаларни адо этиб келмоқда.*

*Республика ички ишлар идоралари ходимлари кўпгина ҳолларда ўз ҳаётини хавф остига қўйиб, мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб, масъулиятли жанговар-хизмат вазифаларини бажаришда иштирок этмоқда. Бугун биз фуқароларнинг тинч ҳаёти ва ҳуқуқ-тартиботни сақлаш йўлида жонини фидо этган ходимларнинг ёрқин хотираси олдида бош эгамиз.*

*Фурсатдан фойдаланиб, ҳуқуқ-тартибот ходимларининг янги авлодини тарбиялаш ишига катта ҳисса қўшаётган ички ишлар идоралари фахрийларига самимий миннатдорлик изҳор этаман.*

*Азиз ватандошлар!*

*Биз мураккаб замонда яшамоқдамиз. Бугунги кунда мамлакатимиз ҳаётига уюшган ва трансмиллий жиноятчилик, наркобизнес билан боғлиқ хавф-хатарлар таҳдид солмоқда. Бундай бало-қазоларга қарши самарали курашиш, уларга муносиб зарба бериш ички ишлар идораларига тегишли барча хизматлардан аниқ ва ҳамжиҳатликда ҳаракат қилишни, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ҳар бир ходимидан ўз хизмат бурчини масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда, ҳалол адо этишни талаб қилади.*

*Бу мақсадларга эришиш учун қуйидаги масалаларга алоҳида аҳамият бериш зарур:*

***Биринчидан**, мамлакатимизда жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган ички ишлар идоралари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича бошланган тизимли ишларни изчил давом эттириш ва чуқурлаштириш, ҳуқуқбузарликларни, биринчи галда ёшлар ўртасида олдини олиш бўйича профилактика ишлари самарадорлигини ошириш, жиноятларни зудлик билан очиш ва содир этилган жиноят учун жазо муқаррарлигини таъминловчи тезкор қидирув ва тергов фаолияти тизимини такомиллаштириш.*

***Иккинчидан**, ички ишлар идоралари ишидаги қонунийликни янада мустаҳкамлаш, милиция ходимлари фаолиятида учраб турадиган коррупция, расмиятчилик, тўрачилик, лоқайдлик каби салбий ҳолатларга тубдан барҳам бериш, айниқса, йўл-патруль хизмати ва бошқа тузилмалар ишидаги камчиликларни бартараф этиш. Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, шахсий таркибни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, ички ишлар идораларини тасодифий ходимлардан, аввало, ўзининг ишчанлик, ахлоқий ва профессионал тайёргарлиги бўйича милиция ходими деган юксак унвонга нолойиқ кишилардан халос этиш борасидаги ишларни кучайтириш.*

***Учинчидан**, Ички ишлар вазирлиги идораларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, улар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва компьютер техникасини жорий этиш, маълумотлар банкини шакллантириш ва ундан тезкор фойдаланиш борасидаги ишларга алоҳида эътибор қаратиш.*

***Тўртинчидан**, профилактика инспекторларининг малакаси ва профессионал маҳоратини ошириш ғоят муҳим вазифалардан биридир. Юксак профессионализм, хушмуомалалик, одамлар орасига кириб бориш, ёшлар қалбига йўл топа билиш, оила ва мактаб ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш – ҳар бир профилактика инспекторининг асосий хусусиятлари бўлмоғи даркор.*

*Профилактика инспекторлари ўз фаолиятини биринчи навбатда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, соғлом, маънавий баркамол авлодни тарбиялашга кўмаклашиш, ёшларни турли салбий таъсирлардан асрашга қаратган тақдирдагина муваффақиятга эришиш мумкин.*

***Бешинчидан**, трансчегаравий жиноятлар, уюшган жиноятчилик ва наркотрафик, наркотикларни етказиб бериш ва тарқатиш манбаларига қарши кураш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Наркотикларга қарши кураш бўйича кўрилаётган барча чоралар ҳали-ҳануз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фаолиятидаги энг заиф бўғин бўлиб турибди, бу соҳа бўйича жавобгар бўлган тузилмаларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш талаб даражасида таъминланмаяпти.*

***Олтинчидан**, милиция ходимларини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган аниқ мақсадли ишларни янада кучайтириш муҳим вазифаларимиздан бири бўлмоғи керак. Кейинги йилларда уларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш, иш ҳақини ошириш йўлида кўп иш қилинди. Ички ишлар идоралари ходимларининг профессионал маҳорати ўсишини рағбатлантиришга қаратилган қўшимча пул мукофотлари ва бошқа тўловлар жорий этилди. Бу ишлар бундан кейин ҳам давлатимиз ва жамоатчилигимизнинг эътибор марказида бўлади, албатта.*

*Азиз дўстлар!*

*Сизларни бугунги байрам билан яна бир бор қутлар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, мамлакатимизда барқарорликни таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ва фуқароларимиз манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги масъулиятли вазифаларни адо этишда улкан ютуқлар тилайман.*

*Ишончингиз комил бўлсинки, сизларнинг одамлар осойишталигини таъминлаш йўлидаги машаққатли, олижаноб ва фидокорона меҳнатингиз доимо юксак қадрланади.*

***Ислом КАРИМОВ,***
***Ўзбекистон Республикаси Президенти***

# ШАРАФЛИ ВА МАСЪУЛИЯТЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ БАЙРАМИ

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА ҚОНУНЧИЛИК ВА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТНИ МУСТАҲКАМЛАШНИНГ МУҲИМ БЎҒИНИ БЎЛГАН ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ БОРАСИДА КЕНГ КЎЛАМЛИ, МАЗМУН-МОҲИЯТИ ЖИҲАТИДАН УЛКАН ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛДИ. БУ БОРАДА ҚАТОР ФАРМОН ВА ҚАРОРЛАР, МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ. ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ ТАШАББУСИ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗ ҲУКУМАТИНИНГ 1991 ЙИЛ 25 ОКТЯБРДАГИ ҚАРОРИГА БИНОАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**

Бу сана – 25 октябрь — Олий Мажлис палаталари томонидан қабул қилинган қонунга биноан Ўзбекистон Республикасида ички ишлар идоралари ходимлари куни сифатида белгиланди.

Пойтахтимизда мустақил юртимиз тарихида илк бор нишонланаётган ушбу байрам муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда ички ишлар тизимида хизмат қилаётган фаол ходимлар, жанговар ва хизмат анъаналарини асраб-авайлаб келаётган, ҳуқуқ-тартибот ҳимоячиларининг янги авлодини тарбиялашга катта ҳисса қўшаётган фахрийлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири Б.Матлюбов, вазирлик шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғининг ўринбосари А.Сатторов, вазирлик хотин-қизлар қўмитаси раиси Қ.Султонова, вазирлик бирлашган таҳририяти бош муҳаррири Н.Очилов Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидладилар. Бу мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий юксалиши, халқимиз фаровонлигининг янада ошиши, юртимиздаги тинчлик ва осойишталикнинг мустаҳкамланишида муҳим омил бўлаётир.

Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг самарали тизими яратилган. Зеро, ички ишлар идоралари бўлинмалари тезкор, замонавий талабларга жавоб берадиган, ҳар томонлама пухта тайёрланган мутахассислардан ташкил топган тузилмалардан иборатдир.

Зиммасига халқимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда жамоатчиликка таянган ҳолда, фидокорона меҳнат қилишдек масъулиятли вазифа юклanganini чуқур англаган ички ишлар идоралари ходимлари ўз хизмат вазифаларини адо этишда мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатмоқда. Бундан халқимиз ҳақли равишда фахрланади.

Тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг байрам концерти намойиш этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Абдуллаев иштирок этди.

**(ЎзА)**

*Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 2-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссиясининг*

*ҚАРОРИ*

# САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

**«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10, 11-моддаларига асосан 2-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси**

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

**1. 2-Тошкент шаҳар сайлов округи ҳудудида 653 та сайлов участкаси тузилсин.**
**2. Сайлов участкаларининг тартиб рақамлари, чегаралари ва манзиллари кўрсатилган рўйхати тасдиқлансин.**
**3. Сайлов участкаларининг тартиб рақамлари ва манзиллари кўрсатилган рўйхати матбуотда эълон қилинсин.**

***УЧТЕПА ТУМАНИ***

**1**-106-мактаб. Истироҳат 5-тор кўчаси, 29.
**2**-109-мактаб. Меҳмондўст кўчаси, 2.
**3**-177-мактаб. Истироҳат кўчаси, 75.
**4**-75-мактаб. Зиё Саид кўчаси, 63.
**5**-236-мактаб. Муаллим кўчаси, 52.
**6**-«Ўткир» маҳалла гузари. Ибрат кўчаси, 22.
**7**-116-мактаб. Зиё Саид кўчаси, 28.
**8**-«Қуйи Дархон» маҳалла гузари. Чевар кўчаси, 36.
**9**-«Ором» ўқув маркази. Қурувчи кўчаси, 29.
**10**-«Юрхас» корхонаси. Дилкаш кўчаси, 2.
**11**-4-мактаб. Байрам кўчаси, 82.
**12**-«Шофайзибоғи» маҳалла гузари. Кичик Ҳалқа йўли кўчаси, 75.
**13**-Қурилиш касб-ҳунар коллежи. Уйғур кўчаси, 485.
**14**-245-мактаб. Жамшид кўчаси, 1.
**15**-А.Қаҳҳор номли маданият уйи. Уйғур кўчаси, 540.
**16**-123-мактаб. Уйғур кўчаси, 583.
**17**-«Кўркамобод» маҳалла гузари. Нашриёт кўчаси, 22.
**18**-129-мактаб. Назарбек кўчаси, 2.
**19**-«Давлатобод» маҳалла гузари. Журжоний кўчаси, 15.
**20**-197-мактаб. Кўркам кўчаси, 15.
**21**-193-мактаб. Сомоний кўчаси, 1.
**22**-14-мактаб. Саккокий 4-тор кўчаси, 21.
**23**-Журжоний номли маҳалла гузари. Саккокий кўчаси, 3.
**24**-81-мактаб. Али Қушчи кўчаси, 35.

*( Давоми 2, 3-бетларда).*

*Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 2-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссиясининг*

## ҚАРОРИ

# САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

*(Охири. Боши 1, 2-бетларда).*

**339**-Авиасозлар касб-ҳунар коллежи. Паркент йўли кўчаси, 331.
**340**-152-мактаб. Галабанинг 40-йиллиги даҳаси, 1-мавзе, 37.
**341**-Мусиқа мактаб-интернати.Галабанинг 40-йиллиги даҳаси, 2-мавзе.
**342**-255-мактаб. Галабанинг 40 йиллиги даҳаси, 2-мавзе, 29-а.
**343**-282-мактаб. Галабанинг 40 йиллиги даҳаси, 3-мавзе, 1.
**344**-166-мактаб. Лисунов кўчаси, 8-а.
**345**-"Наврўз" маҳалласи маркази.
**346**-204-мактаб. Лисунов кўчаси, 56.
**347**-244-мактаб. Добролюбов кўчаси, 52.
**348**-«Подъёмник» акциядорлик жамияти ишчилари турар жойи. Лисунов даҳаси, 1-мавзе, 66.
**349**-Футболга ихтисослаштирилган мактаб-интернат. Лисунов даҳаси,1-мавзе, 82-а.
**350**-61-мактаб. Лисунов даҳаси, 1-мавзе, 78.
**351**-Туман ижтимоий таъминот бўлими. Лисунов даҳаси, 4-мавзе, 65.
**352**-216-мактаб. Мўйноқ кўчаси, 26.
**353**-170-мактаб. Жарқўрғон кўчаси, 20.
**354**-156-мактаб. Жарқўрғон кўчаси, 4.
**355**-Туман электр тармоғи бўлими. Мухтор Ашрафий 1-тор кўчаси, 9.
**356**-Дон маҳсулотлари илмий ишлаб чиқариш маркази. Мухтор Ашрафий кўчаси, 106.
**357**-Темир йўл касб-ҳунар коллежи. Слоним кўчаси, 113.
**358**-Қурилиш касб-ҳунар коллежи. Слоним кўчаси, 133-а.
**359**-Туман худудий тиббиёт бирлашмаси. Боку кўчаси, 81.
**360**-30-мактаб. Мурғоб кўчаси, 109.
**361**-155-мактаб. Ховос кўчаси, 45.
**362**-Жўрабек номли маҳалла маркази. Олот кўчаси, 9.
**363**-«Ғалла Алтек» акциядорлик жамияти шохобчаси. Обишер кўчаси, 92.
**364**-226-мактаб. Лисунов даҳаси, 2-мавзе, 11.
**365**-103-мактаб-интернат. Лисунов даҳаси, 2-мавзе, 2.
**366**-151-мактаб. Лисунов даҳаси, 1-а мавзе, 17-а.
**367**-149-мактаб. Шолохов кўчаси, 1.
**368**-Бобур номли маҳалла маркази. Лисунов даҳаси, 1-а-мавзе.
**369**-Корейс маданият маркази. Курувчилар кўчаси, 1.
**370**-«Бинокор» маҳалла гузари. Курувчилар кўчаси, 39-а.
**371**-«Ўрта масжид» маҳалласи маркази. Зебо Шамсутдинова кўчаси, 45.
**372**-«ТашОР» масъулияти чекланган жамияти. А.Каримов кўчаси, 5.
**373**-«Қўйлиқ ота» маҳалласи маркази. Табассум кўчаси, 10.
**374**-М.Иброҳим номли маҳалла маркази. Фарғона йўли кўчаси, 106.
**375**-67-мактаб. Ҳусннобод кўчаси, 81.
**376**-227-мактаб. Ҳусннобод кўчаси, 39.
**377**-198-мактаб. Тошлоқобод кўчаси, 34.
**378**-230-мактаб. Шоҳсанам кўчаси, 56.
**379**-«Тарнобоши» маҳалла гузари. Янгиобод мавзеси, Тошлоқобод кўчаси, 58.
**380**-«Янгиобод» маҳалласи маркази. Замондош кўчаси, 13.
**381**-Тошкент тиббиёт академияси клиник шифохонаси. Паҳлавон Маҳмуд кўчаси, 103.
**382**-Ҳарбий қисм.
**383**-Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти. Паҳлавон Маҳмуд кўчаси, 73.
**384**-Темир йўл шифохонаси. Паҳлавон Маҳмуд 2-тор кўчаси, 12-а.
**385**-Ҳарбий қисм.
**386**-«Нуроний» шифохонаси. Ўш 1-тор кўчаси, 6.
**387**-Тошкент шаҳар ҳарбий комендатураси.
**388**-Ҳарбий қисм.
**389**-Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси тиббиёт-санитария қисми. Бирлашган кўчаси, 1.
**390**-Ҳарбий қисм.
**391**-Ҳарбий қисм.

### ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ

**392**-Тошкент давлат иқтисодиёт университети. Олмазор кўчаси, 183.
**393**-Республика илмий-педагогика кутубхонаси. Бешёғоч майдони. Фурқат кўчаси, 174.
**394**-90-мактаб. Олмазор мавзеси.
**395**-5-шаҳар юқумли касалликлар шифохонаси. Арпапоя кўчаси, 12.
**396**-Тошкент автомобиль йўллари касб-ҳунар коллежи. Байналмилал кўчаси, 53.
**397**-128-мактаб. Байналмилал кўчаси, 49.
**398**-2-педагогика коллежи. Муқимий кўчаси, 186.
**399**-168-мактаб. 3-мавзе, 20.
**400**-«Сувгео» илмий-текшириш институти. Халқлар Дўстлиги кўчаси, И-мавзеси, 7.
**401**-1-Республика тиббиёт коллежи. Е-мавзеси.
**402**-162-мактаб. 3-мавзе, 52.
**403**-«Ўзнефтегазқурилишинвест» акциядорлик компанияси. Муқимий кўчаси, 98.
**404**-Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети журналистика факультети. Муқимий кўчаси, 104.
**405**-66-махсус мактаб. 1-мавзе, 9.
**406**-«Зангори экран» масъулияти чекланган жамияти. 1-мавзе. Арнасой кўчаси, 27.
**407**-103-гимназия мактаби. 1-мавзе, Гагарин кўчаси, 53.
**408**-163-мактаб. 2-мавзе, 42.
**409**-Ўқувчилар ижодиёт маркази. 2-мавзе, 48.
**410**-138-мактаб. Жилонота кўчаси, 1.
**411**-Чилонзор матбаа касб-ҳунар коллежи. Нурхон кўчаси, 21.
**412**-Чилонзор тиббиёт коллежи. Нурхон кўчаси, 16.
**413**-Республика шошилинч тез ёрдам илмий маркази. Кичик Ҳалқа йўли кўчаси, 2.
**414**-Академик В.Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази. Кичик Ҳалқа йўли кўчаси, 10.
**415**-24-оилавий поликлиника. 2-мавзе, Б-уй.
**416**-6-мусиқа мактаби. 2-мавзе, 20.
**417**-1-Тошкент педагогика коллежи. Халқлар Дўстлиги кўчаси, 27.
**418**-131-мактаб. Исҳоқов кўчаси, 6.
**419**-188-мактаб. Исҳоқов кўчаси, 1.
**420**-Тошкент вилояти «Машина-трактор парклари бирлашмаси» АЖ. Тошкент Ҳалқа йўли кўчаси, 52.
**421**-232-мактаб. Гавҳар кўчаси.
**422**-4-мактаб-интернат. Саноат кўчаси, 14.
**423**-201-мактаб. Шош 1-тор кўчаси, 6.
**424**-«ЎзГАШК» корхонаси. Қатортол кўчаси, 38.
**425**-173-мактаб. Муқимий кўчаси, 54.
**426**-79-мактаб. 7-мавзе, 16.
**427**-46-оилавий поликлиника. 8-мавзе, Ҳ. Турсунқулов кўчаси, 1.
**428**-179-мактаб. 7-мавзе, 40.
**429**-Тошкент вилоят касалхонаси. Халқлар Дўстлиги кўчаси, 12.
**430**-«Халқлар Дўстлиги» маҳалла гузари, 6-мавзе, 6-а.
**431**-182-мактаб. 6-мавзе, 12.
**432**-178-мактаб. 6-мавзе, 12.
**433**-183-мактаб. 8-мавзе.
**434**-Тошкент шаҳар онкология шифохонаси. Боғистон кўчаси, 1.
**435**-2-шаҳар перинатал маркази. Ҳ.Турсунқулов кўчаси, 3.
**436**-«Тошнефтегазқурилиш» акциядорлик жамияти. 8-мавзе, Қатортол кўчаси, 2-а.
**437**-2-Тошкент юридик коллежи. 8-мавзе, Лутфий кўчаси, 47.
**438**-Глиэр номли маданият уйи. Лутфий 1-тор кўчаси, 4.
**439**-Кўзи ожизлар жамияти маданият саройи. Лутфий кўчаси.
**440**-Ўзбекистон Миллий университети қошидаги академик С. Ҳ.Сирожиддинов номли академик лицей, 9-мавзе, 33.
**441**-184-мактаб. 9-мавзе, 10.
**442**-181-мактаб. 10-мавзе.
**443**-Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги давлат ветеринария бошқармаси. Кичик Ҳалқа йўли кўчаси, 21-а.
**444**-Туман халқ таълими бўлими. Марказ мавзеси.
**445**-Алишер Навоий номидаги республика нафис санъат лицейи. Марказ мавзеси. Кичик Ҳалқа йўли кўчаси.
**446**-195-мактаб.16-мавзе,10.
**447**-164-мактаб. 16-мавзе.
**448**-Юнус Ражабий номидаги Тошкент педагогика коллежи. 17-мавзе.
**449**-«Тошметроқурилиш» тресты. 18-мавзе, 4.
**450**-«Мехржон» маҳалласи маркази. 18-мавзе.
**451**-Мактабларо ўқув-техник маркази. 19-мавзе, 4/1.
**452**-Ш. Гуломов номли маҳалла гузари. Ҳосилот 3-тор кўчаси, 35.
**453**-114-мактаб.Машраб кўчаси, 60.
**454**-Телерадиотехника ва автоматика касб-ҳунар коллежи. Д-20-мавзеси. Катта Қаъни кўчаси, 52.
**455**-202-мактаб. 20-мавзе.
**456**-«Хирмонтепа» маҳалласи гузари. 19-мавзе.
**457**-«Автоустоз» ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси. 19-мавзе.
**458**-101-мактаб. 19-мавзе.
**459**-19/4 ётоқхона. Д-20-мавзе, 19/4.
**460**-217-мактаб. 20-мавзе, Катта Қаъни кўчаси.
**461**-281-мактаб. Қизил Шарқ мавзеси, 6-а.
**462**-«Шараф» маҳалла гузари.
**463**-«Бўстон» маҳалла гузари.
**464**-126-мактаб. Ал Хоразмий мавзеси.
**465**-Тошкент Давлат техника университети қошидаги академик лицей. Гулистон мавзеси, 21.
**466**-280-мактаб. Гулистон мавзеси.
**467**-270-мактаб. М.Турсунхўжаев кўчаси.
**468**-Ҳарбий қисм.
**469**-Ҳарбий қисм.

### ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИ

**470**-2-Республика тиббиёт коллежи. Турккўрғон кўчаси, 9.
**471**-Тошкент алоқа коллежи. Шайхонтоҳур кўчаси, 70.
**472**-10-мактаб. Шайхонтоҳур кўчаси, 105.
**473**-Тошкент авиация институти қошидаги академик лицей. Кохота кўчаси, 49.
**474**-484-мактабгача таълим муассасаси. "Жангоҳ" маҳалласи.
**475**-115-мактаб. "Шайхонтоҳур" маҳалласи.
**476**-19-мактаб. "Шайхонтоҳур" маҳалласи.
**477**-Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги. Навоий кўчаси, 4.
**478**-59-мактаб. Х.Раҳматуллаев тор кўчаси, 1.
**479**-76-мактаб. Ўкчи кўчаси, 75.
**480**-Тошкент иқтисодиёт коллежи. Ўкчи кўчаси, 73.
**481**-«Ўздавсувлойиха» илмий-текшириш институти. Навоий кўчаси, 44.
**482**-Республика рассомчилик коллежи. Фурқат кўчаси, 6.
**483**-324-мактаб. Коратош мавзеси.
**484**-82-мактаб. Чорсу мавзеси, 1-а.
**485**-Болалар ўқув-ижодиёт маркази. М.Уйғур кўчаси, 103.
**486**-41-мактаб. М.Уйғур кўчаси, 101.
**487**-102-мактаб. Боғкўча мавзеси.
**488**- 23-мусиқа мактаби. Боғкўча мавзеси.
**489**-«Каттаҳовуз» маҳалласи маркази. А.Хўжаев кўчаси, 2.
**490**-«Сузукота» маҳалласи маркази. Сузукота кўчаси, 50.
**491**-«Янги Камолон» маҳалла гузари. Бешёғоч мавзеси.
**492**-45-мактаб. Ўзгариш кўчаси, 58.
**493**-34-мактаб. Бешёғоч мавзеси.
**494**-«Каттабоғ» маҳалласи маркази. Каттабоғ кўчаси, 64.
**495**-85-мактаб. Самарқанд Дарбоза кўчаси, 103.
**496**-13-мактаб. Самарқанд Дарбоза кўчаси, 83.
**497**-«Янгиобод» маҳалласи маркази. Янгиобод кўчаси, 2.
**498**-«Устазода» халқ ижодиёти маркази. Қозиробод кўчаси, 20.
**499**-254-мактаб. Оқтепа мавзеси, «Новза» маҳалласи.
**500**-157-мактаб. Самад Вурғун кўчаси.
**501**-180-мактаб. Увайсий кўчаси, 7.
**502**-36-мактаб. Улуғбек 4-тор кўчаси, 9.
**503**-«Шофайзи» маҳалласи гузари. М.Уйғур кўчаси,379
**504**-«Шофайзи» маҳалласи гузари. М.Уйғур кўчаси,379
**505**-40-мактаб. Оқсой кўчаси, 4.
**506**-141-мактаб. С. Умаров кўчаси, 43.
**507**-35-оилавий поликлиника. Боғкўча мавзеси, 13-а.
**508**-«Янгишаҳар» маҳалласи маркази. О.Шарафутдинов кўчаси, 7.
**509**-186-мактаб. Ҳадича Мусахонова кўчаси, 36.
**510**-«Илғор» маҳалла гузари. Н. Алимов кўчаси, 82.
**511**-113-мактаб. Шомаҳмудов кўчаси, 105.
**512**-92-мактаб. Тинчлик 3-тор кўчаси.
**513**-39-мактаб. Кичик Ҳалқа йўли кўчаси, Шуманой тор кўчаси, 16.
**514**-169-мактаб. Бедил кўчаси, 1.
**515**-«Бўстон» маҳалла гузари. Ал Хоразмий кўчаси, 14.
**516**-«Ипакчи» маҳалла гузари. Ипакчи кўчаси, 1-Б.
**517**-«Ўзбекистон» маҳалласи маркази. Фаробий кўчаси.
**518**-314-мактаб. Х.Шобобоев кўчаси, 52.
**519**-316-мактаб. Белтепа мавзеси.
**520**-Ибн Сино маҳалла гузари.
**521**-276-мактаб. Ибн Сино даҳаси, 2-мавзе.
**522**-262-мактаб. Ибн Сино даҳаси, 1-мавзе.
**523**-299-мактаб. Жарариқ мавзеси.
**524**-Ё.Зиёев номли маҳалла маркази.
**525**-Олий ҳарбий божхона институти. Қозиробод 2-тор кўчаси, 118.
**526**-1-шаҳар клиник шифохонаси. Уйғур кўчаси, 40.
**527**-Фтизиатрия ва пульмонология илмий-текшириш институти. Ш. Алимов кўчаси, 1.
**528**-Онкология ва радиология илмий-текшириш институти. Фаробий кўчаси, 383.

### ЮНУСОБОД ТУМАНИ

**529**-ИИВ Ёнғиндан сақлаш олий техника билим юрти. Ш.Рашидов кўчаси, 1.
**530**-1-мусиқа мактаби. Ш.Рашидов кўчаси.
**531**-5-мактаб. Марказ-4.
**532**-17-мактаб. Марказ-2.
**533**-80-мактаб. Марказ-5.
**534**-21-меҳрибонлик уйи. Марказ-5-в.
**535**-Тошкент давлат юридик институти қошидаги академик лицей. Марказ-5.
**536**-43-мактаб. Ниёзбек йўли кўчаси.
**537**-9-мактаб. Марказ-6.
**538**-Саломатликни тиклаш ва физиотерапия илмий-текшириш институти. Хуршид кўчаси, 4.
**539**-Тошкент Молия институти, Кичик Ҳалқа йўли, 7.
**540**-Тошкент ирригация ва мелиорация институти қошидаги академик лицей.Ҳалқобод 3-тор кўчаси, 4.
**541**-51-мактаб. Халқобод кўчаси.
**542**-«Ўзбекқишлоқмаш» бирлашмаси тиббиёт бўлими. Боғишамол кўчаси, 112.
**543**-«Ўзбекқишлоқмаш» бирлашмаси тиббиёт бўлими қошидаги шифохонаси. Боғишамол кўчаси.
**544**-105-мактаб. Боғишамол кўчаси.
**545**-Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги академик лицей. Боғишамол кўчаси, 12.
**546**-Тошкент ахборот технологиялари университети. Амир Темур кўчаси, 108.
**547**-70-мактаб. Шивли кўчаси, 2.
**548**-«Вакцина» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси. Ғ.Мавлонов кўчаси, 37.
**549**-«Турккўрғон» маҳалла гузари. Акмал Пўлат кўчаси, 31.
**550**-143-мактаб. Уста Ширин кўчаси, 23.
**551**-96-мактаб. Т.Жалилов кўчаси, 48.
**552**-150-мактаб. Аваз Ўтар ўғли кўчаси, 5.
**553**-63-мактаб. Шаҳристон кўчаси.
**554**-«Юнусобод туманга» филиали. Шокирова кўчаси, 4-а.
**555**-17-шаҳар касалхонаси. Ғайратий кўчаси, 24.
**556**-17-шаҳар касалхонаси. Ғайратий кўчаси, 24.
**557**-87-мактаб. Юнусобод-2.
**558**-31-Меҳрибонлик уйи. Юнусобод-2.
**559**-«Қўшчинор» маҳалласи маркази. Юнусобод-5.
**560**-220-мактаб. Юнусобод-4.
**561**- 460-мактабгача таълим муассасаси. Юнусобод-4.
**562**-Тошкент туризм касб-ҳунар коллежи. Аҳмад Дониш кўчаси, 28.
**563**-302-мактаб. Юнусобод-4.
**564**-21-мактаб. Юнусобод-6.
**565**-Хорижий тиллар академик лицейи. Юнусобод-7.
**566**-86-мактаб. Юнусобод-7.
**567**-26-оилавий поликлиника. Юнусобод-7.
**568**-259-мактаб. Юнусобод-9.
**569**-«Собиробод» маҳалласи маркази. Юнусобод-9.
**570**-313-мактаб. Ҳасанбой даҳаси, Ҳасанбой кўчаси.
**571**-327-мактаб. Ҳасанбой даҳаси. Тошсоқол кўчаси, 1.
**572**-265-мактаб. Юнусобод-10.
**573**-235-мактаб. Юнусобод-8.
**574**-260-мактаб. Юнусобод-8.
**575**-271-мактаб, Чимкент йўли кўчаси, 41.
**576**-«Тошкент» савдо фирмаси. Чимкент йўли кўчаси, 72.
**577**-202-мактабгача таълим муассасаси. Юнусобод-11.
**578**-240-мактаб. Юнусобод-11.
**579**-163-мактабгача таълим муассасаси. Юнусобод-12.
**580**-«Янги ҳаёт» маҳалласи маркази. Юнусобод-12.
**581**-247-мактаб. Юнусобод-15.
**582**-273-мактаб. Юнусобод-15.
**583**-156-мактабгача таълим муассасаси. Юнусобод-15.
**584**-136-мактабгача таълим муассасаси. Юнусобод-14.
**585**-Машинасозлик касб-ҳунар коллежи. Юнусобод-13.
**586**-«Дента-сервис» клиникаси. Юнусобод-14
**587**-250-мактаб. Юнусобод-14.
**588**-246-мактаб. Юнусобод-13.
**589**-12-мактаб. Юнусобод-13.
**590**-544-мактабгача таълим муассасаси. Юнусобод-13.
**591**-97-мактаб. Юнусобод-15.
**592**-Кўшимча техник таълим мажмуаси. Т.Мирзаев кўчаси, 50.
**593**-Марказий мослашув ташхис поликлиникаси. Юнусобод-19.
**594**-258-мактаб. Юнусобод-19.
**595**-257-мактаб. Юнусобод-19.
**596**-253-мактаб. Юнусобод-19.
**597**-Чегарачилар мактаби.
**598**-Саноат касб-ҳунар коллежи. Юнусобод-3.
**599**-Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультети. Амир Темур кўчаси, 112.
**600**-272-мактаб. Рафиқов кўчаси, 2.
**601**-5-шаҳар болалар клиник шифохонаси. Юнусобод-3.
**602**-Вирусология институти. Муродов кўчаси, 5.
**603**-«Тошкент асбобсозлик заводи» акциядорлик жамияти. О.Зокиров кўчаси, 49.
**604**-117-мактаб. Хитой кўчаси, 9.
**605**-«Чинобод» санаторийси, О.Зокиров кўчаси, 88.
**606**-58-мактаб. О.Зокиров кўчаси.
**607**-288-мактаб. Юнусобод-18.
**608**-«Иттифоқ» маҳалла гузари. Юнусобод-18.
**609**-44-оилавий поликлиника филиали. Юнусобод-18.
**610**-ИИВ Ўта муҳим иншоотларини қўриқлаш бошқармаси. Муродов кўчаси, 17.
**611**-122-мактаб. Юнусобод-17.
**612**-«Ватанпарвар». Юнусобод-17.
**613**-274-мактаб. Бобур кўчаси.
**614**-Тошкент молия институти қошидаги академик лицейи. Зарбулоқ кўчаси,14.
**615**-239-мактаб. Муродов кўчаси, 1.
**616**-Тошкент педиатрия-тиббиёт институти талабалар шаҳарчаси. Боғишамол кўчаси, 103.
**617**-Тошкент педиатрия-тиббиёт институти болалар шифохонаси. Тошкент Ҳалқа йўли.
**618**-98-мактаб. ТошГРЭС даҳаси.

### ЯККАСАРОЙ ТУМАНИ

**619**-«Тошшаҳаргаз» корхонаси. Бобур кўчаси, 59-а.
**620**-19-оилавий поликлиника. Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 44.
**621**-48-мактаб. Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 56.
**622**-«Дамариқ» маҳалла гузари. Абдулла Қаҳҳор 6-тор кўчаси, 71.
**623**-«Упакпроммаш» МЧЖ. Бобур кўчаси, 77.
**624**-«Саноатқурилишиндустрия» акциядорлик жамияти. Муқимий 1-тор кўчаси, 7.
**625**-127-мактаб. Бошлиқ мавзеси.
**626**-Тадбиркор С.Жуманиёзов мажмуаси. Бошлиқ мавзеси, Кичик Ҳалқа йўли кўчаси.
**627**-358-Мактабгача таълим муассасаси. Қушбеги мавзеси.
**628**-«Қушбеги» болалар спорт мажмуаси. Қушбеги мавзеси.
**629**-Туман ижтимоий таъминот бўлими. Усмон Носир кўчаси, 85.
**630**-172-мактаб. Усмон Носир кўчаси 148.
**631**-«Яккасарой» маҳалла гузари. С.Мираҳмедов кўчаси, 141.
**632**-100-мактаб. Нурмуҳамедов кўчаси, 105.
**633**-Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти. Усмон Носир кўчаси, 114.
**634**-Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қошидаги 3-академик лицей. Мираҳмедов кўчаси, 62.
**635**-144-мактаб. Сирожиддинов кўчаси, 2.
**636**-Тошкент давлат педагогика университети 8-талабалар турар жойи. Муқимий кўчаси, 96.
**637**-Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти. Шоҳжаҳон кўчаси, 5.
**638**-89-мактаб. Аския кўчаси, 26.
**639**-А.Авлоний номли маҳалла гузари.
**640**-73-мактаб. Бобур 1-тор кўчаси, 28.
**641**-Республика байналмилал маданият маркази. Бобур кўчаси, 2.
**642**-Тошкент вилоят ўқитувчилар малака ошириш институти. Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 64.
**643**-91-мактаб. Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 40.
**644**-«Туркистон» меҳмонхонаси. Юнус Ражабий кўчаси, 64.
**645**-Республика қўғирчоқ театри. Афросиёб кўчаси, 1.
**646**-72-мактаб. Миробод кўчаси, 14.
**647**-Тошкент давлат педагогика университети. Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103.
**648**-«Конституция» маҳалла гузари. М.Мироқилов кўчаси, 43.
**649**-25-мактаб. У. Носир кўчаси, 17.
**650**-«Тоштўқимачи» тиббиёт-санитария қисми. У.Носир кўчаси, 84.
**651**-8-акушерлик мажмуаси. Кичик Бешёғоч кўчаси, 124.
**652**-1-шаҳар руҳий асаб касалликлари диспансери. Муқимий кўчаси, 94.
**653**-6-болалар юқумли касалликлар шифохонаси. Қушбеги мавзеси, Кичик Ҳалқа йўли кўчаси.

**2-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси раиси**
**А. АҲМЕДОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2007 йил, 19 октябрь*

# Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

### САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ ҲИКМАТЛАР

Фитна юзли рост сўздан бўл йироқ,
Маслаҳатли ёлғон андан яхшироқ.
* * *

Оқил ул сўзни ўринда сўзлагай
Ҳам жавобини муносиб кўзлагай.
* * *

Ким мухолиф бўлса султон сўзина,
Келтурур ул кўб балолар ўзина.
* * *

Эй неча бекни, маликни ўйла ебтур бу жаҳон –
Ким, алардан ер юзинда қолмади зарра нишон.
Хайр қил, эй неъмати кўп хожа, сен андин бурун –
Ким, юруб дегай мунодий: «Қолмади хожа фалон!»
* * *

Сиғар бир ҳужраға ўн икки меҳмон,
Бир иқлима сиғишмас икки султон.
* * *

Ҳасуд ранжига йўқтур ўлумдан ўзга даво.
* * *

Тутуб мискин кишининг панжасини,
Айирмоқ куч билан айни хатодур.
Экиб зулм урлуқин, хайр истаганлар
Жаҳаннам ўтина ўзин ёқодур.

Қутулмаға тиласанг хавф элиндан,
Раият ҳолина яхши боқодур.
* * *

Кўрунг ул ғайрати йўқ одамийни,
Хато ният қилиб, ботил иш этти:
Қўюб ўғлин-қизин меҳнат ичинда,
Туруб ўз роҳатин кўрмакка кетти.
* * *

Нечаким, фаҳми йўқ мискин эшакнинг,
Кўтурмак бирла юкни қиймати бор.
Эшак ул одамийдан яхшироққим,
Қилур доим кишининг кўнглин озор.
* * *

Бир кишидан доимо кўриб сахо,
Умр боринча юкун чексанг раво.
* * *

Қилиб тавба қутулмоққа бўлур Тангри азобиндан,
Ва лекин бу халойиқнинг тилиндан қуртулуб бўлмас.
* * *

Эшик боғлаб ўтурма ул сабабдан,
Кўрунмасун деб бу мендаги айб.
Эшикни боғлаб ўлтурмоқ не ҳожат,
Бу ҳолингни билур ул олим ул-ғайб.
* * *

Тилар бўлсанг насиб олмоқ саодат кимёсиндан,
Қаноат гўшасин тутқил, кечиб дунё сафосиндан.
* * *

Ҳожат тилама хасис эрдан,
Буғдой тамаъ этма шўра ердан.
* * *

Жаҳон севган кишининг кўзларини
Қаноат тўлдурур ё ўлса туброқ!
* * *

Кўзун боғлар дароҳим оқил эрнинг,
Тама солур учар қушни тузоққа.
* * *

Мағрур бўлуб сен ўз-ўзунгга қолма,
Душманни жароҳат эттинг, эмин бўлма.
* * *

Айтти: "Оқар денгизни тийса бўлур ва лекин
Ҳар муддаий тилини тийса бўлурми? Бўлмас..."
* * *

Ориф билан ўлтурмоқ жоҳилга эрур зиндон,
Жоҳил била ўлтурмоқ орифга жаҳаннамдур.
* * *

Кўнгулни боғлама бир ерга зинҳор,
Яна мушкулдур андан олмоқ, эй ёр.
* * *

Кузатур ўзга айбин – сен ани кўр,
Магар ўз айбина доим кўзи кўр.
* * *

Жаҳон хонининг алвон неъматиндан
Беш-олти луқма едим, айттилар: бас.
* * *

Бир кишининг тишин чекиб жарроҳ,
Чиқарур бўлса, бил недур ҳоли.
Кел, қиёс эт, не бўлғай ул соат
Тотли жон чиқса, қолса тан холи.
* * *

Вафо истамагил булбулдан, эй ёр –
Ки, ҳар бир гул уза юз турли сайрор.
* * *

Ўзунгдан эйгу бирлан ўлтуруб-тур,
Ёмон эр бирла қилма умр зоеъ.

**Сайфи САРОЙИ таржималари**
**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**

## Спорт янгиликлари







### ЧЕМПИОНЛИК КИМГА НАСИБ ЭТАДИ?

**ПОЙТАХТИМИЗДА ГАНДБОЛ БЎЙИЧА ЭРКАКЛАР ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛГАН ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИНИНГ БИРИНЧИ ТУРИДА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ЭНГ КУЧЛИ ОЛТИТА ЖАМОАСИ ЎЗАРО КУЧ СИНАШДИ.**

Дастлабки турнинг марказий учрашуви чемпионлик учун курашаётган Тошкентнинг «Ўзбекистон Миллий университети» ҳамда Самарқанднинг «Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти» жамоалари ўртасида бўлди. Мухлису мутахассислар мазкур баҳсда мусобақага мезбонлик қилаётган пойтахтликларнинг қўли баланд келишини кутишганди.

Лекин жорий мавсумда чемпионликни мақсад қилган самарқандликлар мезбонларга жиддий қаршилик кўрсатишди. Натижада «Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти» гандболчилари кескин ва муросасиз курашларга бой бўлган беллашувни 37:34 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилди.

Шунингдек, «Андижон олимпия заҳиралари спорт коллежи» ( Андижон) гандболчилари ҳам самарқандликлар билан бўлган ўйинда рақиб жамоанинг 33:24 ҳисобидаги устунлигини тан олишга мажбур бўлишди.

Асосий рақибига имкониятни бой берган «Ўзбекистон Миллий университети» вакиллари эса Ғузорнинг «Умид» жамоасини 32:26 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Ёшлик» (Тошкент) — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» (Олмалиқ)— 9:25, «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» — «Умид» — 36:20, «Андижон олимпия заҳиралари спорт коллежи» — «Ёшлик» — 33:24, «Андижон олимпия заҳиралари спорт коллежи» — «Умид» — 27:27.

Мусобақа жадвалида бешта учрашувда ғалаба қозонган «Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти» жамоаси ўн очко билан пешқадамлик қилмоқда. Самарқандликларнинг муваффақиятига улкан ҳисса қўшган жамоанинг етакчи ўйинчилари – Олим Эгамсафаров ва Улуғбек Икромов мутахассислар томонидан биринчи турнинг «Энг яхши ўйинчилари» деб топилди.

Фақатгина пешқадамдан мағлуб бўлган «Ўзбекистон Миллий университети» гандболчи талабалари саккиз очко билан иккинчи ўринда бормоқда. Олти очко жамғарган «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» вакиллари эса бронза медалига даъвогарлик қилмоқда.

Бешта учрашувдан атиги биттасида дуранг натижа қайд этган «Умид» гандболчилари биринчи босқични сўнгги поғонада якунлашди.

Чемпионатнинг иккинчи тур учрашувлари 5-10 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрида ташкил этилади.

### АЗИЗБЕК —ХАЛҚАРО ТУРНИР ҒОЛИБИ!

**РОССИЯНИНГ БАРНАУЛ ШАҲРИДА ЮНОН-РУМ КУРАШИ БЎЙИЧА ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛГАН АНЪАНАВИЙ ХАЛҚАРО ТУРНИРДА МЕЗБОНЛАРДАН ТАШҚАРИ ЎЗБЕКИСТОН, СЕРБИЯ, УКРАИНА, ҚИРҒИЗИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОНДАН КЕЛГАН 1991-1992 ЙИЛЛАРДА ТУҒИЛГАН ИККИ ЮЗ НАФАРДАН ЗИЁД КУРАШЧИ ҒОЛИБЛИК УЧУН ГИЛАМГА ЧИҚДИ.**

Ўн олтинчи маротаба ташкил этилган мусобақада терма жамоамиз аъзоларидан тўрт нафари финалга йўлланма олди. 76 килограмм вазн тоифасида гиламга чиққан ёш полвонимиз Азизбек Мамажонов асосий беллашувда мезбонлар вакили Виталий Кокаевни мағлубиятга учратиб, олтин медаль билан тақдирланди.

Финалда беллашган курашчиларимиздан Ойбек Раҳмонов, Баҳром Муродов ва Оятулла Абдуллаев халқаро турнинг кумуш медалларига сазовор бўлди.

### ҲАМЮРТЛАРИМИЗ СОВРИНДОР

**ТУРКМАНИСТОНДА ЎТКАЗИЛГАН ХАЛҚАРО ТЕННИС ФЕДЕРАЦИЯСИ (ITF) МУСОБАҚАЛАР ТАҚВИМИДАГИ ЎСМИРЛАР ВА ҚИЗЛАР ЎРТАСИДАГИ ХАЛҚАРО ТЕННИС ТУРНИРИДА ДУНЁНИНГ ЎНГА ЯҚИН ДАВЛАТИДАН КЕЛГАН РАКЕТКАЧИЛАР ҚАТОРИДА ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЁШ СПОРТЧИЛАР ҲАМ МУВАФФАҚИЯТЛИ ИШТИРОК ЭТДИ.**

Мусобақанинг қизлар ўртасидаги жуфтлик беллашувларида мезбонлар вакиласи Анастасия Пренко билан ҳамкорликда ўйнаган ўзбекистонлик Диёра Саидмуҳаммедова финалда қозоғистонлик Галина Вишникина билан бирга биринчи рақамли дуэтни ташкил қилган яна бир теннисчимиз Нигина Абдураимовага қарши кортга чиқди.

Кескин ва муросасиз курашларга бой бўлган финал учрашувини 6—4, 6—2 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилган Диёра Саидмуҳаммедова ҳамда Анастасия Пренко жуфтлиги халқаро турнир ғолиби бўлди.

Иқтидорли теннисчимиз Нигина Абдураимова эса яккаликлар ўртасида ҳам финалга йўлланма олди. Бош соврин учун ўтказилган баҳсда мезбонларнинг энг кучли ракеткачиси Анастасия Пренкога 2—6, 4—6 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйган ҳамюртимиз иккинчи ўрин билан кифояланди.

**Боҳир БЕК**

### ПЕШҚАДАМ ЖАМОАЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

**МАМЛАКАТ XVI МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИ ОЛИЙ ЛИГАСИНИНГ 24-ТУР БЕЛЛАШУВЛАРИ ТУРНИР ЖАДВАЛИДА ПЕШҚАДАМЛИК ҚИЛАЁТГАН «ПАХТАКОР», «ҚУРУВЧИ» ЖАМОАЛАРИГА МУҲИМ ОЧКОЛАРНИ ҲАДЯ ЭТДИ.**

Шоҳсупанинг энг юқори поғонаси сари дадил одимлаётган амалдаги чемпион жамоа «Пахтакор» бу сафар ўз майдонида «Бухоро» футболчиларини қабул қилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, биринчи бўлим анча қизиқарли ва тенгма-тенг курашлар остида ўтди. Усмон Тошев бош мураббийлигида ҳаракат қилган бухоролик футболчилар ушбу баҳсга жиддий тайёргарлик кўришганини намойиш эта олишди. Аввалига Анвар Солиев аниқ ҳаракат қилиб мезбонларни ҳисобда олдинга олиб чиққан бўлса, меҳмонлар футболчиси Лочин Солиев ҳужумлардан бирида Нестеров дарвозасини аниқ нишонга ола билди ва ўртадаги мувозанатни тиклади. Бироқ, маҳорат тажриба бобидаги устунлик «Пахтакор»га қўл келди. Ҳакам томонидан белгиланган пенальтини аниқ амалга ошириб жамоани 2:1 ҳисобида олдинга олиб чиққан Жепаровнинг ўйинларидан шу куни мухлислар мамнун бўлишгани рост. Ана шундан сўнг Уче, Солиев ва Зайниддин Тожиевлар жамоадошлари бошлаган ҳужумларни уч марта самарали якунлаб мезбонларнинг 5:1 ҳисобида ғалаба қозонишини таъминлашди.

Ўз майдонида «Самарқанд Динамо» жамоасини 2:1 ҳисобида мағлуб эта олган «Қурувчи» кумуш медаллар эгасига айланиши мумкинлигини мухлисларга намойиш этмоқда. Ушбу учрашувда дарвозаларга голларни «Қурувчи»дан Илҳом Мўминжонов (2та), «Самарқанд—Динамо»дан Фарҳод Тожиевлар киритишди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Насаф» — «Қизилқум — Олтин» — 5:2, «Вобкент» — «Металлург» — 0:1, «Нефтчи» — «Трактор» — 4:1, «Андижон-Ўз» — «Машъал» — 0:1, «Шўртан» — «Локомотив» —1:1, «Тўпаланг» — «Навбаҳор-Н» — 2:0.

Кейинги турда совринли ўринларга даъвогарлик қилаётган «Қурувчи» жамоаси «Машъал» билан куч синашади.

### ЙИРИК ҲИСОБДАГИ ҒАЛАБА

**АВВАЛ ХАБАР БЕРГАНИМИЗДЕК, АЙНИ КУНЛАРДА БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ ЯШИЛ МАЙДОНЛАРИДА ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДА ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИГА САРАЛАШ ТУРНИРИ МУСОБАҚАЛАРИНИНГ ГУРУҲ БАҲСЛАРИ ЎТКАЗИЛМОҚДА.**

Тожикистон, БАА, Туркманистон, Бангладеш ҳамда Фаластин ўсмирлар терма жамоалари билан бир гуруҳдан ўрин эгаллаган Роберт Гай бош мураббийлигидаги ҳамюртларимиз дастлабки учрашувда майдон эгалари билан куч синашиб 2:2 ҳисобидаги жанговар дуранг натижани қайд этишган эди.

Шуниси қувончлики, туркманистонлик тенгдошлари билан иккинчи турда куч синашган ёш футболчиларимиз рақиблари устидан 4:1 ҳисобида ғалаба қозонишди. Рақиблар дарвозаси олдида тез-тез хавфли вазиятларни содир этган ҳамюртларимиз 35, 45, 88, 90-дақиқаларда Абдуллаев, Сўпижонов (3 та) гол киритишлари эвазига терма жамоамизга муҳим очколарни туҳфа этишди.

Ушбу гуруҳнинг қолган учрашувлари қуйидагича якунланди: БАА — Бангладеш— 9:1, Тожикистон — Фаластин— 4:0.

Навбатдаги турда вакилларимиз тожикистонликлар билан куч синашишади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

*«01»*

## ЎЗ ВАҚТИДА БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

**ТУНГГИ СОАТ БИР. МАРКАЗИЙ ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТИГА ЮНУСОБОД ТУМАНИ, 13-ДАҲАСИДА ЖОЙЛАШГАН 30-УЙНИНГ 32-ХОНАДОНИДА ЁНҒИН СОДИР БЎЛГАНИ ВА ОЛОВ ДОМИДА ИНСОНЛАР ҚОЛИБ КЕТГАНЛИГИ ҲАҚИДАГИ ХАБАР ТУШДИ. ЮНУСОБОД ТИИБ ЁҲБ СМЕНА БОШЛИҒИ, КАТТА ЛЕЙТЕНАНТ ОДИЛ МИРСАИДОВ 3 ТА ЁНҒИН ЎЧИРИШ ЭКИПАЖЛАРИ БИЛАН ЎТ ТУШГАН ЖОЙГА ЗУДЛИК БИЛАН ЕТИБ БОРГАНЛАРИДА 4-ҚАВАТНИНГ ОЙНАСИДАН ЧИҚАЁТГАН ҚУЮҚ ТУТУН БУТУН АТРОФНИ ҚОПЛАГАНДИ.**

Уйга киришнинг ҳеч иложи йўқ, кириш йўлаги ёнаяпти, эшик эса ичкаридан қулфланган, тўртта талаба қизлар эса қўрқувдан қалтираб одамларни ёрдамга чақиришаётганди. Ёнғинни тезлик билан ўчириш керак, акс ҳолда қўшни хонадонларга ўтиб кетиш хавфи бор. Шунда Одил Мирсаидов, ёнғин ўчирувчилардан Абдуҳошим Юнусов ва Рустам Хаитовлар билан биргаликда эшикни буздилар ва ўзларини ёнаётган уйга отдилар. Кириш йўлагидаги олов бир неча сонияларда бартараф этилди. Ваҳимага тушган қизлар ўт ўчирувчилар жасорати туфайли кулфатдан омон қолдилар. Ёнғин эса, ностандарт қўлбола ясалган электр плитасидан фойдаланиш оқибатида келиб чиққан экан.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, ёнғин хавфсизлиги хизмати тизимида меҳнат қилиш учун ҳар бир ходимнинг юраги бутун, ақлан ва жисмонан соғлом бўлиши даркор. Юқори ҳароратда ёнаётган биноларга кириш ва оловни даф этиш мардлик ва жасоратни талаб этади. Ўт ўчирувчилар ўзларининг жонларини фидо қилиб бўлсада, оловда қолиб кетган инсонлар ҳаётини сақлаб қолмоқдалар.

Ёнғин хавфсизлиги хизмати тизимида ўз ўрнини топган, барчага намуна бўла оладиган ана шундай ёш офицерлардан бири — Одил Мирсаидовдир. Ёшлигиданоқ меҳнатга тиришқоқ, ўқишга чанқоқ бўлган Одил ўрта мактабни тамомлаб, ўз хоҳишига кўра Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабига ўқишга кирди. Талабалик йилларидаоқ, бу касб жасорат ва мардликни талаб этишига амин бўлди. Бугунги кунда елкама-елка хизмат қилаётган сафдошлари сержант Абдуҳошим Юнусов ва сержант Рустам Хаитовлар билан биргаликда қанчадан-қанча ёнғинларни бартараф этиб, фалокатга учраган инсонларни ёнғиндан олиб чиқиб, уларнинг ҳаётини сақлаб қолишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Шаҳримизда деярли ҳар куни турли сабабларга кўра ёнғинлар келиб чиқади. Маст ҳолатда сигарета чекиш ёки болаларни назоратсиз қолдириш оқибатлари ҳам ёнғинга олиб келади. Кун совиши билан эса кўплаб юртдошларимиз иситиш ускуналаридан фойдаланишда катта хатоларга йўл қўядилар. Оқибатда ёнғин юзага келади.

Қаҳрамонимиз хизматга келган илк кунларини эслар экан, бир ёнғин хотирасида сақланиб қолганлигини айтиб ўтди. «Тажрибам катта бўлмасада, кўплаб ёнғинларни кўрдим. Ўшанда куз кунларининг кечки соат тўққизлари эди. Байналмилал кўчасида жойлашган биноларининг бирида ёнғин чиққанлиги ҳақида хабар келди. Зудлик билан ҳодиса жойига 4 та автоуловда етиб бордик. 400 квадрат метр майдондаги бино буткул ёнаётган эди. Иккита қоровуллар эса ёнғин ичида қолиб кетган. Мен, Рустам ва Абдуҳошим билан биргаликда ёнғинни ўчириш жараёнида, қоровулларнинг тахминан бўлиш жойини аниқладик. Бинонинг ичи қуруқ тутун бўлганлиги сабабли, ерни пайпаслаб, уларни қидирдик ва топдик. Уларни беҳуш ҳолда ташқарига олиб чиқдик. Шундай оғир ҳолатда бўлса-да, инсонлар ҳаётини сақлаб қолганимиз бизни жуда руҳлантирди. Ёнғиннинг келиб чиқиш сабаби эса — электр симларининг қисқа туташувидан экан».

Ҳа, Одил Мирсидов ҳам ёш бўлишига қарамай, меҳнати давомида орттирган тажрибаси кўплаб ёнғин хавфсизлиги ходимларига намуна бўла олади. Катта лейтенант Одил Мирсаидов, оддий ёнғин ўчирувчи сержантлар Абдуҳошим Юнусов ва Рустам Хаитовлар ҳали кўплаб ёнғинларни бартараф этиб, кишилар ҳаёти, мол-мулкини сақлаб қолишларига ишончимиз комил.

**Муслима РАҲИМОВА,**
**Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ муҳандиси, катта лейтенант**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ 2007 йил 27 ноябрь куни соат 11.00 да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига**

**ҚУЙИДАГИ МУЛКЛАРНИ ҚЎЙМОҚДА**

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2006 йил 26 июлдаги 10250/3-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган, Тошкент метрополитени қурилиш дирекциясининг «Метрополитен капитал қурилиш» ДУКга тегишли, Тошкент шаҳрининг Фаробий ва Сағбон кўчалари кесишган чорраҳада жойлашган, қурилиши тугалланмаган «Фаробий» нимстанцияси. **Бошланғич баҳоси — 15 699 565 сўм 09 тийин.**

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2006 йил 26 июлдаги 10250/3-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган, Тошкент метрополитени қурилиш дирекциясининг «Метрополитен капитал қурилиш» ДУКга тегишли, Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Ҳ.Бойқаро кўчаси Бектемир тумани ҳокимияти рўпарасида жойлашган, қурилиши тугалланмаган «Бойқаро» нимстанцияси. **Бошланғич баҳоси — 11 634 105 сўм 77 тийин.**

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туман суд ижрочилари бўлими томонидан 2006 йил 26 июлдаги 10250/3-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган, Тошкент метропилети қурилиш дирекциясининг «Метрополитен капитал қурилиш» ДУКга тегишли, Тошкент шаҳри, Юнусобод даҳаси, 7-мавзе, Мирзааҳмедов кўчасидаги трамвайнинг охирги айланма бекатида жойлашган, қурилиши тугалланмаган «Қорақамиш» нимстанцияси. **Бошланғич баҳоси — 12 190 421 сўм 81 тийин.**

Ушбу мулкларни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойига чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжат рақами ва санаси кўрсатилгани ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдорида закалат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» мини банкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001-ҳисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва закалат пулларни қабул қилиш, савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўч. 1-уй. Тел. 138-69-94, 138-69-93. Лицензия DB001-000010.

Учтепа тумани, Дилкаш кўчаси, 65-хонадонга тегишли, уй режаси йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»**
**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.**



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

**Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32**

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

**Нашр кўрсаткичи — 563**

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.**

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2049 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Буюртма Г- 906

1 2 3 4 . 6

Топширилган вақти: 16:08